


Шифохона олдида ҳафталаб тунни тун демай турган, кўзлари ёшга тўлган ота-оналар ҳолатини бошига тушмаган одам тўлиқ тасаввур қила олмайди. Аммо аччиқ ҳақиқат шундаки: йўл ҳаракати қоидаларини ўзлаштирмасдан транспорт бошқариш — бу шўхлик эмас, бу **хавф.**

Миллатни тўйларда жилпиллаган раққосага пул сочадиганлар эмас, метро ёки автобусда **КИТОБ** ўқиб кетаётганлар кўтаради.

Одамларнинг ҳожатини чиқариш, кўча тозалаш, ариқ тозалаш улкан савоб. Бунинг ажри **ИККИ** дунёда ҳам намоён бўлади.



Бугун биз бемалол, инсофсизлик билан ишлатаётган сувимизнинг исрофидан зурриёдлар азият чекмасин. Мошина ойнасидан ахлат, смечка, сигаретни улоқтирадиган бефаросатларни кўрганда аяманг.



ЖАММИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газетаси

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 2
(972)
2026 йил
7 март,
Шанба

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасида Қўмита раиси Азиз Абдуҳакимов ҳамда “BBC Studios” компаниясининг Евроосиёдаги тижорат ваколатхонаси раҳбари, “DARS Consulting UK Ltd” компанияси бош директори Сергей Становкин ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИК ТАШАББУСЛАР халқаро миқёсда ёритилади

Учрашувда Ўзбекистоннинг табиий меросини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш, халқаро ахборот ҳамкорлигини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатнинг табиий бойликлари, ноёб экотизимлари ва экологик ташаббусларини глобал медиа майдонларида янада кенгрок ёритиш масалалари муҳокама қилинди.

2 ➤



БЕБАҲО

8 ➤

НЕЪМАТ



НАБОТОТ МЎЪЖИЗАСИ

5 ➤



КАЛИТ БЕРИЛГАН ҚЎЛЛАР, СИНГАН ТАҚДИРЛАР



7 ➤

ёхуд ёшлар орасида
автомобиль
бошқариш муаммоси

Калитни ким берди?

Назоратни ким қўлдан чиқарди?

“Ҳеч нарса бўлмайди” деган
ишончни ким сингдирди?

(Боши 1-саҳифада)

Асосий эътибор халқаро медиа ва коммуникация лойиҳаларининг Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш, экологик кун тартибини оммалаштириш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалаларига жаҳон ҳамжамияти эътиборини жалб этишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Якунда Ўзбекистон брендини тарғиб қилишдаги кўп йиллик ҳис-



ЭКОЛОГИК ТАШАББУСЛАР

халқаро миқёсда ёритилади

саси, шунингдек, мамлакатда ўтказилган глобал воқеаларни фаол ёритгани учун Сергей Становкин “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Маълумот учун, Сергей Становкин — “BBC”нинг Евросиёдаги тижорат ваколатхонаси раҳбари бўлиб, минтақанинг 17 та давлати учун масъул ҳисобланади. 1991-йилдан

буён Буюк Британияда фаолият юритади, “DARS Consulting UK Ltd” директорлар кенгаши аъзоси ҳисобланади ҳамда стратегик коммуникациялар ва халқаро брен-

динг соҳасидаги лойиҳалар билан шуғулланади. 2023-йилдан бошлаб CIFT халқаро туристик фильмлар кинофестиваллари тармоғининг бренд элчиси ҳисобланади, шу йили Ўзбекистоннинг “Туризмни тарғиб қилгани учун” давлат мукофоти билан тақдирланган, 2025-йилдан эса Nordik халқаро университети фахрий профессори ҳисобланади.

VIII GEF Ассамблеяси



бу Ўзбекистонга нима беради?

2026 йил 31 майдан 6 июнгача Самарқандда Глобал экологик фонд (GEF)нинг VIII Ассамблеяси бўлиб ўтади. Бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш соҳасидаги энг йирик халқаро тадбирлардан биридир. Бундай даражадаги тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимизнинг глобал экологик майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

GEF Ассамблеяси 180 дан ортиқ давлат, халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар, илмий доиралар ва фуқаролик жамияти вакиллари бирлаштиради. Муҳокамалар марказида иқлим ўзгариши, биохилма-хилликни сақлаш, ер деградациясига қарши курашиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда “яшил” иктисодиётга ўтиш масалалари туради. Ўзбекистон учун бу нафақат эришилган натижаларни намойиш этиш, балки янги стратегик ҳамкорликларни шакллантириш майдонидир.

Ассамблеянинг Самарқандда ўтказилиши мамлакатимизнинг глобал экологик сиёсатда фаол иштирокчи сифатидаги халқаро нуфузини янада мустаҳкамлайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Оролбўйи

экотизимини тиклаш, Орол денгизи тубини кенг кўламда кўкаламзорлаштириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича изчил ташаббусларни илгари сурмоқда. Ассамблея ушбу ютуқларни кенг халқаро аудиторияга тақдим этиш ва кўшимча қўллаб-қувватлашни жалб қилиш имконини беради.

Муҳим натижалардан бири — молиявий ресурсларга кириш имкониятининг кенгайишидир. GEF дунёдаги энг йирик экологик лойиҳалар донорларидан бири бўлиб, Ассамблеянинг ўтказилиши янги грант дастурлари ва инвестиция ташаббусларини ишга тушириш учун қулай шароит яратади. Бу эса барқарор қишлоқ хўжалиги, сув ре-

сурсларини бошқариш, ноёб флора ва фауна турларини муҳофаза қилиш бўйича миллий лойиҳаларни амалга оширишда кўшимча имкониятлар очади.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳати ҳам катта аҳамиятга эга. Ассамблея доирасида икки томонлама учрашувлар ўтказилиши, келишувлар имзоланиши ва трансчегаравий экологик масалалар бўйича қўшма ечимлар ишлаб чиқиши кутилмоқда. Бу, айниқса, Марказий Осиё минтақаси учун долзарб бўлиб, сув, иқлим ва экотизимларни сақлаш масалаларида мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб этади.

Самарқандда бўлиб ўтадиган VIII GEF Ассамблеяси нафақат халқаро форум, балки Ўзбекистон учун глобал “яшил” кун тартибида ўз позициясини мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб этиш ва миллий экологик устувор йўналишларни жадаллаштиришга хизмат қиладиган стратегик имкониятдир.



ПРЕЗИДЕНТ — ЁШЛАР УЧРАШУВИ

келажак эгалари учун янги имкониятлар даврини бошлаб берди

Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан ўтказган очик мулоқоти мамлакатимиз тараққиётида, айниқса, ёшлар сиёсатида янги босқични, янги имкониятлар даврини бошлаб берди.

Бу, ўз навбатида, ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Давлатимиз раҳбари юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини таъкидлаб, барча даражадаги раҳбарлар ёшларни тил ва касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, ғоя, лойиҳа ҳамда стартапларига қўмак бериш, уларни ишли ва даромадли қилиш бўйича янада фаол ишлаши, бирор-та йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаслигини алоҳида таъкидлади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида биз ушбу вазифаларни тўлиқ ва сифатли амалга оширишни устувор мақсад деб биламиз. Ёшлар учун билим, инновация ва тадбиркорлик хаби бўлиши, битирувчи эса иш изловчи эмас, балки қиймат яратувчи мутахассис сифатида ҳаётга қадам қўйиш шарт ва бу бизнинг асосий мақсадимиздир.

Мулоқот давомида ёшларнинг фикр ва таклифларини эшитиш, уларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда натижага йўналтирилган механизмларни ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Инновацион ғоялар, стартап лойиҳалар, таълим ва бандлик соҳаларидаги ташаббусларнинг тинглалиши давлат сиёсатининг очиклиги

ва халқчиллигини яна бир бор намоён этди.

Университетимизнинг 100 дан ортиқ битирувчилари томонидан тадбиркорлик фаолиятларини кенг йўлга қўйиш мақсадида стартап лойиҳалар йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда миллий банк томонидан 33 нафарига лойиҳалари доирасида кредит маблағлари молиялаштирилиб, 33 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратишга эришилди.

Самарқанд вилоятидаги йирик иш берувчи корхоналардан бири бўлган “Сиёб Шавкат Орзу” кўп тармоқли корхонаси, “САГ”, ҳамда “Новобод насли парранда” хўжаликлари раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлик ва ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузилган. Битирувчи ёшлар ветеринария, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўқиш даврида пуллик амалиётлар ва келгусида муқаррар иш ўрнига эга бўлиши таъминланаяпти.

Президентимизнинг ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилишини эълон қилиши, бу амалий ишларимизни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев тадбиркорликни энди бошлаётган ёшларнинг 30 фоизи бизнес кўникмаси етишмаслиги сабаб қийинчиликка учраётгани кайд этиб ўтди. Шу боис, ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш, ғояни бизнесга айлантириш, бухгалтерия, банк, маркетинг, ички ва ташқи бозорларга чиқиш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган “Ёшлар бизнес инку-



батори” ташкил этилишини таъкидлади.

Университетимизда битирувчи ёшларга тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида “Карьера маркази” фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу марказ орқали битирувчилар Республикаимиздаги иқтисодиёт тармоқлари бўйича бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар орқали ўзларига мақул бўлган бўш иш ўринларига эга бўлишмоқда. “Карьера маркази” орқали стартап лойиҳаларни тайёрлашда, шунингдек бизнес лойиҳаларини кўриб чиқиб такомиллаштиришда ва молиялаштиришга қўмаклашиш юзасидан маълумотлар битирувчи резюмисини тайёрлаш жараёнлари тўлиқ марказ томонидан йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан хорижий олийгоҳлар илғор тажрибалари асосида ёшларни тадбиркорликка ўқитиш мақсадида камида 40 минг ёшни бизнесга ўргатадиган

“Янги авлод тадбиркорлари” дастурини бошлаш белгиланганлиги, дастурни муваффақиятли тугатган энг яхши 1 минг нафар ёшнинг лойиҳасига уч йил муддатга 200 миллион сўмгача 7 фоизли ссуда берилиши эса битирувчи талабаларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида янада кенг имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Кўксаройдаги мулоқот — ёшлар келажаги учун аниқ йўл харитаси. Унда белгиланган ташаббуслар эса молиявий манба ва стратегик мақсадлар билан таъминланган. Бу каби ташаббуслар изчил давом этар экан, ёшларимизнинг билим-салоҳияти, тадбиркорлик руҳи ва ватанпарварлик туйғуси Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Худайназар ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат
ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар
университети ректори.





ИЛҒОР ИҚЛИМ ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Обиджон Қудратов бошчилигидаги делегация Саудия Арабистонига ташриф буюрди. Ташриф давомида Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистони Миллий метеорология маркази, шунингдек, унинг бўлинмалари — Қум ва чанг бўрони минтақавий маркази, Иқлим ўзгариши минтақавий маркази ва Булутларни уруғлантириш дастури фаолияти билан танишди.

Саудия Миллий метеорология маркази фан, рақамли технологиялар ва давлат бошқаруви-ни интеграция қилган самарали моделни на-мойиш этади. Иш жараёнида сунъий йўлдош маълумотлари, аэрозол кузатувлари, ер усти станциялари ва сунъий интеллект асосида-ги ечимлардан кенг фойдаланилади. Марказ юқори аниқликдаги минтақавий иқлим мо-делларини жорий қилган, тарихий маълумот-лар базасини шакллантирган ва узоқ муддатли прогнозлар ишлаб чиқади. Ушбу маълумотлар асосида курғоқчилик, тупроқ деградацияси ва чўлланиш хавфи баҳоланади, таҳлилий мате-риаллар эса кишлоқ хўжалиги, сув ресурслари ва экологик хавфсизлик соҳаларида қарор қа-

бул қилувчи органларга тизимли равишда тақ-дим этилади.

Делегация об-ҳавога фаол таъсир кўрсатиш бўйича давлат дастурига алоҳида эътибор қаратди. 2019-йилдан буён мамлакатда булутлар-ни уруғлантиришнинг кенг қамровли дастури амалга оширилмоқда, бу амалиёт ўтказилган ҳудудларда ўртача 15–20% кўпроқ ёғингарчи-лик ҳосил бўлишини таъминлайди. Технологик базага махсус самолётлар, Допплер радарлар, сунъий йўлдош тизимлари ва замонавий лабо-раториялар киради. Маълумотларга кўра, дастур 1 йилда қўшимча 2–3 миллиард куб метр сув манбаини таъминлайди, бу эса сув ресурслари-ни барқарор бошқариш ва кишлоқ хўжалигини

қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Музокаралар давомида иқлим моделлашти-риш, қум ва чанг бўронларини мониторинг қи-лиш, эрта огоҳлантириш тизимлари, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий тадқиқотлар бўйича ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди.

Олинган тажриба Ўзбекистонда миллий иқ-лим маълумотлари платформасини яратиш, Марказий Осиё учун юқори аниқликдаги мин-тақавий моделлаштиришни жорий этиш ва ки-шлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ҳамда энергетика соҳалари учун соҳага оид иқлим хизматларини ривожлантиришда амалий аҳамиятга эга.

Шунингдек, «Green University» билан ака-демик ҳамкорлик, малака оширишни ташкил этиш, қўшма нашрлар ва таълим дастурларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ташриф якунларига кўра Саудия мутахассис-ларининг Ўзбекистонга техник миссиясини таш-кил этиш ва минтақавий иқлим моделлаштириш бўйича пилот лойиҳани ишга тушириш имкони-яти кўриб чиқилмоқда.

ТАБИАТ ТАЖОВУЗНИ КЕЧИРМАЙДИ

Экология, табиатни асраш ҳақида кўп гапирамиз. Кўп гапирамиз, аммо амалга келганда ўта ёввойи қарашларимиз бор.

Табиат бу ота онадан ҳам улуғ неъмат. Фарзанд-ни қандай яхши кўрсак, ота онамизни қанчалар эъ-зозласак, табиатни, тозалликни ҳам шундай асраш ва авайлаш керак, деб ўйлайман. Зеро, ота онасиз яшаш мумкин, аммо табиатсиз, сувсиз, ҳавосиз яшаб бўлмайди. Бугун биз бемалол, инсофсизлик билан ишлатаётган сувимизнинг исрофидан зурри-ёдлар азият чекмасин. Мошина ойнасидан ахлат, смечка, сигаретни улоқтирадиган бефаросатларни кўрганда аяманг. Бу билан сиз бола чақангиз учун қайғурган бўласиз.

Унутмайлик, табиат тажовузни кечирмайди.





Тут ипак курти тангача қанотлилар туркуми, ҳашоратлар синфи, ипак курти оиласига мансуб бўлиб, тўртта ривожланиш босқичини ўз бошидан кечиради. Булар: уруғлик, куртлик, ғумбаклик ва капалаклик даври ҳисобланади. Ипак курти ғумбаги (ипак куртининг капалакка айланишидан олдинги босқичи) асрлар давомида фақат ипак ишлаб чиқариш жараёнининг иккинчи даражали маҳсулоти сифатида қараб келинган.

НАБОТОТ МЎЪЖИЗАСИ

Аммо сўнгги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар ғумбакнинг биологик фаол моддаларга бой, юқори озикавий ва шифобахш қийматга эга эканини исботлади. Бугунги кунда ипак курти ғумбаги медицина, фармацевтика, функционал озиқ-овқат ва биотехнология соҳаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ипак курти ғумбаги 50-65% гача оксиллар, лизин, метионин, треонин каби муҳим аминокислоталар, омега-3 ва омега-6 ёғ кислоталари, В₁, В₂, В₆, Е каби витаминлар, темир, рух, калций, магнийдан иборат минерал моддалар, антиоксидантлар ва биоактив пептидлардек муҳим компонентларга бой.

Бу таркиб ғумбакни табиий биопрепарат манбаи сифатида ажратиб туради. Ғумбак таркибидаги биоактив пептидлар: организмнинг иммун жавобини оширади; яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади. Шу сабабли у сурункали чарчоқ, иммун танқислиги, инфекция қасалликлардан кейин тикланишда қўлланилади. Юрак-қон томир тизими учун фойдали бўлиб, ипак курти ғумбаги гўшт ва сут маҳсулотларига муқобил, спортчилар ва пархез тутадиганлар учун жуда мос. Функционал озиқ-овқатлар сифатида ғумбакдан оксилли ун, энергетик батончиклар, болалар ва кексалар учун озиқ-овқат қўшимчалари ишлаб чиқарилмоқда.

Биологик фаол қўшимчалар

(БФҚ) энг кенг тарқалган маҳсулотлар ҳисобланади. Ғумбак экстракти капсула ёки таблетка кўринишида иммунитетни кучайтириш, сурункали чарчоқда, қасалликдан кейин тикланишда қўлланилади ва улар антиоксидант, яллиғланишга қарши, умумий тонусни кўтаришга таъсир этади. Оксил ва пептид препаратларидан ғумбак оксили гидролизати биоактив пептидлар, муҳим аминокислоталардан иборат бўлиб, кекса ёшдагилар учун, операциядан кейин, камқонлик ва мушак заифлигида қўлланилади. Юрак-қон томир тизими учун препаратларида омега-3, омега-6 га бой ғумбак ёғи капсула ёки суюқ ҳолда холестеринни камайитиришда, қон томирларни мустаҳкамлашда, қон айланишни яхшилашда қўлланилади.

Қандли диабетга ёрдамчи препаратлар сифатида антигипергликемик экстрактлар илмий тадқиқотларга кўра қонда глюкоза миқдорини пасайтиради, инсулин сезирлигини оширади

Антивирус ва антибактериал препаратлар табиий антиминокроб пептидлар бўлиб, вирусли инфекцияларда, яллиғланиш қасалликларида, иммун ҳимояни оширишда қўлланилади. Бу препаратлар ҳозирча асосан: тажриба-синов, клиник тадқиқот босқичида.

Тери ва косметология учун препаратлар сифатида мазъ, крем ва гельлар ишлатилади. Улар тери регенерациясини тезлаштиради, яра ва куйишларда ёрдам беради, тери қаришини секинлаштиришга таъсир қилади. Хаттоки, ветеринария препаратлари озикавий ва даволовчи қўшимчалар сифатида паррандачиликда, чорвачиликда, балиқчиликда ишлатилади.

Ипак курти ғумбагини озиқ-овқат сифатида истеъмол қиладиган мамлакатлар: Жанубий Корея. У ерда қайнатилган ёки буғда пиширилган ғумбак кўча таоми сифатида жуда машҳур, хаттоки, банкаларда консерва ҳолатида сотилади. Бундай маҳсулотлар оксилга бой, арзон ва тўйимли

таом ҳисобланади; Хитой. У ерда қовурилган ва қуритилган ғумбак миллий тиббиёт билан боғлиқ ҳолатда қишлоқ ҳудудларда кенг тарқалган бўлиб, шўрваларга соус сифатида қўшилади ва “Шифобахш озиқ-овқат” сифатида қаралади; Таиланд. Ғумбак кўча таоми сифатида туз ва зираворлар билан қовурилиб тайёрланади, туристлар орасида машҳур таом ҳисобланади; Вьетнам. Ғумбак анъанавий қишлоқ таомлари сифатида қайнатилган ёки қуритилганини гуручли таомлар билан бирга истеъмол қилинади. Кексалар ва болалар учун фойдали деб ҳисобланади; Япония. Чекланган, лекин қадимий анъана бўйича асосан тоғли ҳудудларда қуритилган ва шакарланган ғумбак соғлом озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинади; Ҳиндистон. Ассам ва Манипур ҳудудларида қабилавий ва маҳаллий ошхонасида қовурилган ёки соусли таомларда оксил манбаи сифатида ишлатилади.

Ғумбакнинг экологик ва иқтисодий афзаллиги арзон хом ашё бўлиб, ипакчилик чиқиндиларидан самарали фойдаланиш натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Бундай озиқ-овқат сифатида ишлатилишига асосий сабаб, 100 гр маҳсулот ҳисобида гўшларга нисбатан оксил миқдори 2-3 баробар кўп, тез ҳазм бўлади. Омега ёғ кислоталарга бой, холестеринни оширмайди, юрак қон томир учун енгил ҳисобланади. Шунга кўра, ғумбак оксили спорт овқати ва реабилитация озиқ-овқати сифатида жуда қимматли профилактика озиқ-овқати ҳисобланиб, экологик жиҳатдан сув сарфи жуда кам, чиқинди деярли чиқмайди, иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқариш вақти қисқа, нархи арзон, шу жиҳатдан уни келажак оксили деб ҳам аташади.

Ипак курти ғумбаги табиий, экологик тоза, юқори биологик қийматга эга манба ҳисобланади. Ундан медицинада — профилактика ва даволашда, озиқ-овқатда — юқори оксилли маҳсулот сифатида, иқтисодиётда — маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Н. ИСЛАМБЕКОВА,
Тошкент тўқимачилик
ва енгил саноат институти
профессори



САВОБ



Уч ярим, тўрт соат деганда кишлоғимизга кириб бордим. Машинамни уйимизга олиб борадиган кўчага бурдим у ариқ тозалаб юрган онамни кўриб жаҳлим чикди...

Ҳар доим шунақа, болаликда мактабдан келсам ҳам, синфдошларим билан қош қорайгунча копток тепиб уйга қайтаётсам ҳам онам ариқдаги хас-хашакни, тош-пошларни териб юрганига дуч келардим. Аянг нима учун ариқда юради, дер эди синфдошларим. Мен эса уларнинг бу саволидан уялардим. Онам билан жанжал қилардим. Ариқ тозалаб юришидан ор қилардим.

— Шундай қилмасам кўнглим жойига тушмайди, — дерди онам

ва ўзларининг билганидан қолмай яна ариқ тозалагани тозалаган эди. Кўни-кўшнлар, қариндош-уруғлар ҳам онамни маломат қилишгани қилишган эди.

Уйимиз орқасидан оқиб ўтувчи бу ариқдан кишлоқнинг ярми сув ичарди, томорқасини суғорарди. Сувдан нималар оқиб келмасди, дейсиз. Онам худди тўрдек ҳамма чиқиндиларни йиғиб оларди. Бирор фойдаси борми шуни ая, ҳаммамизни номусдан ер билан битта қилдингиз-ку десак ҳам онам жим эди. Кейин ўқишга кирдим. Баъзида курсдошларим билан кишлоққа борсам улар ҳам ўша ҳолатга дуч келарди. Яна уялардим, аммо ҳеч

нима деълмасдим. Шундай кунларнинг бирида яна кишлоққа бордим. Кўшнимизникида тўй бўлиши керак эди, келин тўй. Девор-дармиён бу кўшнимизнинг исмлари Абдулазиз бобо эди. Аллоҳ раҳмат қилсин, у киши ернинг, деҳқончиликнинг, чорвачиликнинг “тилини билган” одам эди. Сигир-қўйларини ювинтириб қўярдики, баъзи одамлар эртаю-кеч кўчада тентираб юрадиган, эгни-боши кир бўлиб кетган ўйинқарок фарзандларига: “Абдил бобони қўй-эчкисидай ювиниб келмасанг уйга киритмайман” деб

танбеҳ берарди. Хуллас, ўша кун кишлоққа борсам, Абдулазиз бобо келин келишидан олдин тўйхонага йиғилган меҳмонларга қараб шундай деяпти экан:

— Тўй бизникида бўлаяпти, лекин кўчамизни, ариқни янгапошсам (онамни айтаяпти) уч кун олдин тозалаб қўйган. Бирор жойда шундай тоза ариқни кўрганмисизлар. Янгапошсам ариқда бировнинг бола ювинтираётганини ёки ахлат ташлаганини кўрса, касал бўлиб қолади. Боласини асрагандай ариқни асрайди, тоза тутати. Шунинг учун кўнглимиз тўқ. Шундай қўшнимиз борлигидан фахрланамиз. Илойим, бола-чақасининг ҳузурини кўрсин. Жуда қаттиққўл, важохатли эди Абдулазиз бобо. Шу боис қачон кўрсам, ҳайиқардим. Салом беришга кўрқардим. Аммо ўша кун бу нуроний кўшнимизни жудаям яхши кўриб кетдим. Тўйларида хизмат қилиб, дуоларини олдим.

Одамларнинг ҳожатини чиқариш, кўча тозалаш, ариқ тозалаш улкан савоб. Бунинг ажри икки дунёда ҳам намоён бўлади. Биз болаликда аямнинг ариқ тозалаб юришидан ор қилардик. Аслида аям ана шу хоксорлиги билан ҳаммамизга ибрат бўлган экан.

...Уч ярим, тўрт соат деганда кишлоғимизга кириб бордим. Машинамни уйимизга олиб борадиган кўчага бурдим у ариқ тозалаб юрган онамни кўриб меҳрим жўшди.

Мақсуд ХОН

ЯШИЛ КЕЛАЖАК СТРАТЕГИЯСИ

экологик барқарор тараққиёт йўли

Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фақат экологик эмас, балки ҳуқуқий ва ижтимоий масъулият масаласига айланди. Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларни ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Жумладан, шаҳар ва туман марказларида яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган яшил ҳудудларни 4,4 квадрат метргача ошириш, 14 та экологик тоза ҳудуд режими жорий этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ифлослантириш хавфи юқори бўлган объектларда автоматик назорат тизимини жорий қилиш, дарахт ва буталарнинг кўқарувчанлик даражасини 70 фоизга етказиш, республика бўйлаб яшил боғ ва парклар сонини 1023 тага етказиш режалаштирилган. Бу вазифалар нафақат экологик барқарорлик, балки аҳолининг соғлом муҳит-

да яшаш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Стратегияда “яшил белбоғ”лар барпо этиш, Тошкент шаҳрида 4450 гектар янги яшил майдон яратиш, ўрмон билан қопланган ҳудудларни 6,1 миллион гектарга етказиш каби йирик лойиҳалар ҳам назарда тутилган. Орол денгизи қурган тубида ва чўл ҳудудларда 1,3 миллион гектар қўшимча “яшил қопламалар” барпо этилиши экологик хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим кадам бўлади.

Бундан ташқари, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар бўйича барвақт огоҳлантириш даражасини 96 фоизга етказиш, бузилган ерлар-

ни рекултивация қилиш, кишлоқ хўжалигида ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар улусини 15 фоизга етказиш вазифалари белгиланган.

Муҳим жиҳат шундаки, давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, барча кўрсаткичлар рақамли платформа орқали “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратиб баҳоланади. “Яшил” натижага эришган идоралар рағбатлантирилади, “сарик” ҳолатларда камчилик сабаблари таҳлил қилинади, “қизил” тоифада эса масъул идоралар фаолияти танқидий кўриб чиқилади.


Бу тизим атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида формал хисобот эмас, балки аниқ натижа талаб этиладиган янги бошқарув маданиятини шакллантиради. Энг муҳими, экологик барқарорликни таъминлаш орқали фуқароларнинг соғлом ва хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқи мустаҳкамланади.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда парламентнинг роли

алоҳида аҳамият касб этади. Халқ вакиллари томонидан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги экологик мақсадлар ижроси устидан тизимли парламент назорати амалга оширилади. Қўмита ва комиссиялар йиғилишларида масъул вазирлик ва идоралар ҳисоботлари эшитилади, жойларда ўрганишлар ўтказилади, аниқланган муаммолар юзасидан тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, амалдаги нормалар ижросини таъминлаш ва парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш парламент фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Бу эса белгиланган экологик мақсадларнинг тўлиқ ва самарали рўёбга чиқишини таъминлашга хизмат қилади.

Жавлонбек АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-310
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

(Боши 1-саҳифада)

КАЛИТ БЕРИЛГАН ҚўЛЛАР,

СИНГАН

ТАҚДИРЛАР

ёхуд ёшлар орасида
автомобиль
бошқариш муаммоси

Охирги вақтларда менга энг оғир таъсир қилаётган мурожаатлар — воёга етмаганлар бошқаруви оқибатида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидагилар.

Бу шунчаки автоҳалокат эмас.

Бу — синган тақдирлар.

Бу — издан чиққан ҳаётлар.

Бу — умрбод асоратлар.

Яқинда бир фуқаро шундай воқеани айтиб берди: қарама-қарши йўналишдан келаётган скутерни воёга етмаган бола бошқараётган бўлган. У бошқарувни йўкотади ва тўқнашув содир бўлади. Бола реанимацияга тушади. Тирик қолса ҳам, умрбод ногирон бўлиб қолиш эҳтимоли бор.

Бир қарашда жабрланувчи — бола. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Қарши томондаги ҳайдовчи-чи? У ҳам бир умр унутилмайдиган қалб азоби билан яшашга маҳкум этилди. Унинг ҳам ҳаёти бир лаҳзада ўзгарди.

Ғожиалар кўпинча бир хатодан эмас, бир бепарволикдан бошланади.

Калитни ким берди? Назоратни ким қўлдан чиқарди? “Ҳеч нарса бўлмайди” деган ишончни ким сингдирди?

Самарқанд туманида ярим тунда содир бўлган аянчли ҳодиса эса муаммонинг илдизи анча чуқур эканини кўрсатди. Ота-онасининг сийлови туфайли машинали бўлган ўсмир дўстларини миндириб, маҳалла кўчаларида эркин ҳаракатланган. Бу “завқ” иккинчи ўсмирни ҳам илҳомлантирган: уйдагилар ухлаб қолган пайтда бобосига тегишли машинани сўроксиз олиб чиққан. Шундан сўнг икки машинада 8–9 нафар ўсмир пойга қўйган.

Натижа эса ғожиали бўлди. Йўлга сиғмаган тезлик қарама-қарши чиқиш билан яқунланди. Рўпарадан келаётган автомобил билан тўқнашув содир бўлди. Беш нафар ўсмир шифохонага ётқизилди. Манманлик ва масъулиятсизлик бир оиланинг эмас, бир нечта хонадоннинг тақдирини ўзгартирди. Бир ўсмирнинг кўзи қайта очилмади.

Шифохона олдида ҳафталаб тунни тун демай турган, кўзлари ёшга тўлган

ота-оналар ҳолатини бошига тушмаган одам тўлиқ тасаввур қила олмайди. Аммо аччиқ ҳақиқат шундаки: йўл ҳаракати қоидаларини ўзлаштирмасдан транспорт бошқариш — бу шўхлик эмас, бу хавф.

Энг ташвишли томони — айрим ҳолларда ота-оналар айбни ўзидан эмас, бошқадан излайди. Ҳолбуки, масаланинг илк нуқтаси кўпинча хонадон остонасида бошланади.

Яқинда Самарқанд шаҳридаги мактаблардан бири директори маслаҳат сўраб мурожаат қилди. Унинг айтишича, юқори синф ўқувчиларидан бири мактабга мунтазам равишда машина бошқариб келади. Танаффус пайтида синфдошларини миндириб шаҳар айланади. Мактаб раҳбарияти бир неча бор йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини чақиртириб, автомобилни жарима майдонига жойлаштирган. Аммо ҳар сафар жарима тўланиб, ҳолат яна такрорланган.

Масала шундаки, мактаб интизомни талаб қилади, аммо айрим ота-оналар устозларнинг огоҳлантиришини жиддий қабул қилмайди. Жамоатчилик назорати сусайганда, тарбия институти ёлғиз қолади. Мактабнинг таъсири оила қўллаб-қувватламагунча тўлиқ самара бермайди. Тарбия бир томонлама бўлмайди — у ҳамкорликни талаб қилади.

Яна бир хавфли тенденция кузатилмоқда: ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган ёшларга автомобилларни ижарага бериш ҳолатлари. Айрим “GetCar” каби номлар остида фаолият юритаётган тижорий хизматлар пул эвазига калитни тутқазмоқда. Ижтимоий тармоқларда “лайк” ва “кўришлар” илинжида бўлган айрим ўсмирлар пул йиғишиб, ижарага олинган машинада

кўчаларда бир-бирини видеога олишни “мода”га айлантирмоқда.

Бу ерда савол яна ўша: назорат ва масъулият кимда?

Автомобиль — ўйинчоқ эмас. У ҳаётни сақлаш воситаси ҳам, уни йўқ қилиш қуроли ҳам бўлиши мумкин. Воёга етмаган бола қўлидаги рул — бу фақат темир эмас, бу тақдирни бошқариш хавфидир.

Ота-она фарзандига машина калитини берганда, у фақат металл буюмни эмас, балки эҳтимолий ғожианинг эшигини очаётганини англаши керак.

Реанимация бўлимида ётган бола — фақат бир оиланинг эмас, жамиятнинг дарди. Бир умр асорат билан яшаш эҳтимоли — бу шунчаки тиббий ташхис эмас, бу ижтимоий ғожа.

Ҳурматли ота-оналар, фарзандингизга машина совға қилишдан олдин ўзингизга бир савол беринг:

Қачонгача калитни болага бериб, тақдирни таваккалга қўямиз?

Қачонгача айбни бошқадан излаймиз?

Қачонгача мактаб ва ота-она масъулиятни бир-бирига юклайди?

Фарзандим ҳаётни бошқаришни ўргандими?

Ёки мен унга ҳалокатни бошқариш имконини беряманми?

Синган тақдирлар баҳосига кеч англланган ҳақиқат жуда қимматга тушади.

Элдор МУҲАММАДИЕВ



БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ишхонамиз яқинида ошхона бор. Баъзан шу ерга тушлик учун чиқиб турамиз. Таомлари ниҳоятда мазали, аммо менинг таъбимни хира қиладиган бир нарсаси бор: қачон қарама, бу ернинг эгаси бир шерик топиб нарда ўйнаётган бўлади. Шунинг ўрнига китоб ўқиса бўлмасмикин, деб қоламан. Беминнат ҳамроҳ бўлган китоб наф келтирса келтирадики, асло зиёни йўқ.

(Боши 1-саҳифада)

Одатда машинада ҳам ўн-ўн бешта китоб олиб юраман. Бировни кутиш ёки зерикмасликда китобга етадигани йўқ. Ўғил ёки қизимизга китоб ўқи, яхши ўқи, десагу ўзимиз телефондан бош кўтармасак, бунинг ҳеч қандай таъсири йўқ. Сиз китоб ўқинг, болангиз ўз-ўзидан мутлаага берилади.

Яқинда хизмат сафари билан вилоятдан келаятсам, йўл патрул хизмати ходимлари тўхтатди. Машина газдами, деди, йўқ, дедим. Кўрайликчи, деди, юкхонани очдим. Юкхонадаги китобларни кўриб, сотгани олиб кетяпсизми, деди. Йўқ, сизга ўхшаган китобни яхши кўрувчиларга совға учун олиб юраман, дедим. Бояги ходим ростдан китоб ўқирканми йўқми билмадим, аммо гапим таъсир қилди шекилли текширувчи ҳам эсдан чиқарди. Унга Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” асарини совға қилдим. Нима ҳақида бу китоб деди, сизга ўхшаган яхши одамлар ҳақида дедим. Менинг яхшилигимни қаердан биласиз, танимайсизку, деди. Э, дўстим, ҳайдовчини ўйлаб, тўхтатиб текширасизу ёмон одам бўласизми, қолаверса, яхши одам китобга қизиқади, сиз ҳам шунақа экансиз, дегандим, роса хурсанд бўлди. Мана шу мисолнинг ўзиёқ китобда ҳикмат борлигини кўрсатади.

Яна бошқа бир сафарда Ғаллаоролда Бахмал олмалари сотиладиган растада тўхтадим. Олмани юкхонага ортаётган йигитча китоблар орасида турган Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки” номли асарини менга беринг, деди. У айтган китобга қўшиб ўзимнинг ҳам яқинда чиққан китобчамни совға қилдим. Э, сиз ҳам китоб ёзасизми, деди. Ҳа, дедим. Унда олманинг пулини қайтариб бераман, тирик ёзувчини кўрганим учун, деди. Кўнмадим, олманиям сот, китобниям ўқи, дедим. Рақамимни ёзиб олувди, ҳалигача телефон қилиб туради, китоб ҳақида гаплашамиз у билан.

Энг яхши суҳбат китоб ҳақидаги суҳбатлардир. Фалончи наҳорги ошга икки минг кишини айтибди, писмадончи Умрадан қайтиб тўрт юз кишига совға тарқатибди, деган майда гаплардан юз карра, минг карра баланд туради китоб ҳақидаги мулоқотлар. Миллатни тўйларда жилпиллаган раққосага пул сочадиганлар эмас, метро ёки автобусда китоб ўқиб кетаётганлар кўтаради.

Китоб бойлик келтирмайди, аммо бойлик ҳам китобдек наф бермайди.

